



Мирзо МЕЪРОЖИДИН



**ДАРВЕШ ШАЙХ
АЗИЗОН
ЗИЁРАТГОҲИ**

Маърифий рисола



Тошкент

«.....»

2018



УЎК: 94(575.151)

КБК 63.3(5Ў)

P-21

Меърожиддин, Мирзо

Дарвеш шайх Азизон зиёратгоҳи: (маърифий рисола)
/ Мирзо Меърожиддин. «Тафаккур нашриёти»– Тошкент.
2017. – 48 б.

*Мазкур рисолада ясавия сулукининг машҳур намояндаси
Дарвеш шайх Азизон Алиободий ҳамда мазкур силсиланинг
етук вакиллари ҳаёти ва ижоди ўрин олган. Шунингдек,
рисолада Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги айрим
муқаддас зиёратгоҳлар тарихи ҳам ёритилган. Ушбу
рисола тадқиқотчилар, Олий ўқув юрти талабалари ва кенг
китобхонларга мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир:

Бобур Аминов, тарих фанлари номзоди

Тақризчи:

Сайфиддин Сайфуллох, филология фанлари номзоди

Нодиржон Абдулаҳатов, тарих фанлари номзоди

ISBN 978-9943-24-142-8

© Мирзо Меърожиддин

© «.....»,

Тошкент, 2018 й.

СЎЗ БОШИ

Маънавий меросга янгича ёндашув ва фикрлаш тақозоси туфайли тарихимиз саҳифаларидан жой олмаган кўпгина тафаккур намояндалари ва тасаввуф вакиллари бўлган шахслар ҳаёт йўли ва уларнинг жамиятда тутган ўрни, халқнинг маънавий хазинасига қўшган ҳиссасини ўрганишга бўлган муносабат ўзгарди. Бундай улуғ зотларнинг илмий-маърифий меросларини ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этиш ва уларнинг ҳаёт-фаолиятларига бағишланган турли тадбирлар ўтказиш орқали маънавий дунёмизни бойитиш, тасаввурларимизни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жараёнда халқимизнинг бой ўтмиши, миллий-маънавий мероси, урф-одатлари, миллий анъаналарига катта ҳурмат кўрсатган ҳолда, тарих зарварақлари орасида пинҳона ётган қадриятларимиз, ноёб қўлёзма асарлар, қадимий ёдгорликлар тадқиқотчи олимлар—томонидан ўрганилиб кенг халқ оммаси, қизиқувчилар ҳамда тадқиқотчиларга тақдим қилинмоқда. .

Қадимий Алиобод (ҳозирги Пайариқ ва Жомбой туманлари)да кўплаб мутасаввиф шахслар, дин пешволари, адабиёт намояндалари яшаб ўтишган. Ясавия тариқати раҳнамоларидан Ходим шайх, шайх Али шайх, шайх Худойдод-и Вали, Қосим шайх Азизон, Пирим шайх каби улуғ пирлар қаторида Дарвеш шайх Азизон ҳам муносиб ўрин

эгаллаган. Булар барчасининг фаолияти Алиобод ҳудуди билан бевосита боғлиқ. Дарвеш шайх ясавия силсиласининг машҳур вакили ва бу йўналишда фаолият олиб борган тасаввуф пирларидан бири саналади. Бундан 12 йил муқаддам ҳудуд зиёлилари ва туман расмийлари илтимосига кўра, вилоятимиз туманларидаги зиёратгоҳларга бориб, у ерларда мавжуд қабртош битикларни ўрганиш ва тадқиқ этиш билан машғул бўлганимизда, ҳамда шу илмий изланишлар жараёнида, туманларимизда улуғ қадамжолар нақадар кўп эканлигига амин бўлган эдик.

Тадқиқотчи шогирдимиз Мирзо Меъроҷиддин тасаввуф борасида ҳозирга қадар бир неча рисо- лалар чоп эттирган. Унинг китобхонлар ихтиёрига ҳавола этилаётган “Дарвеш шайх Азизон” номли янги рисоласи ясавия силсиласи шайхлари, ушбу сулук намояндалари тарихи ҳамда мазкур авлод вакиллари хусусида сўз юритади.

Мазкур тадқиқот тарихий манбалар ва жолибий адабиётлар ҳамда дала тадқиқот натижалари асо- сида ёритилганлиги боис, шу соҳа тадқиқотчилари ва мутахассис олимлари ҳамда тарихга қизиқувчи кенг китобхонлар учун муносиб қўлланма бўлади, деб умид қиламиз.

Комилхон КАТТАЕВ,
“Маҳдуми Аъзам Даҳбедий” илмий
тадқиқот фонди раиси, тарихчи-манбашунос

ДАРВИШИҚ ЁХУД ДАРВЕШ ШАЙХ АЗИЗОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида сўзлаган нутқида: “Тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат. Буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттиришимиз керак”, деган сўзларидан келиб чиқиб ва ҳукуматимиз томонидан ота-боболаримиз ва аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни асраб авайлаш, ўрганиш, тадқиқ этишга катта эътибор берилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқотга қўл урилди. -

Тасаввуф намояналаридан бири Дарвеш шайх Азизон Алиободий зиёратгоҳи ҳозирги Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Дарвишиқ номли қишлоқ ҳудудига жойлашган.

Кўпчилик Дарвишиқ этимологиясига беихтиёр эътибор қаратади ва унинг мазмун-моҳиятини англашга интилади. -

Дарвишиқ – аслида машҳур сўфи, жаҳрия сулукининг забардаст намояналаридан бири

ҳисобланган Мавлоно Дарвеш шайх Азизон Али-ободий исмининг халқ тилида ўзгариб кетган варианты. -

Мазкур зиёратгоҳ ва мавзеънинг маҳаллий аҳоли тилида “Дарвишиқ” тарзида талаффуз қилинганлигини, аслида икки компонентдан¹ иборат бўлган зиёратгоҳ (ҳозирда географик жой) номи талаффузда элизия (товуш тушиши)га учраб, бир сўзга айланган ҳамда урф-одатимизга кўра халқ орасида улуғ инсонга ҳурмат юзасидан Дарвеш шайх Азизон, деб эмас балки, оддийгина “Дарвешшайх” деб юритилганлиги ва йиллар, асрлар давомида “Дарвешшайх” сўзи, талаффузларда “Дарвешшайх”... “Дарвишак”... “Дарвишиқ”, дея умумий маъно ўзгармасдан, маҳаллий халқ томонидан бугунги кунга қадар шу ном билан аталиб келинмоқда. Чор Россияси даври рус тадқиқотчиси М.М.Вирский Челак волостига қарашли мазкур қишлоқ номини ўз илмий мақоласида “Дурбиш-шихъ” шаклида ёзиб, қайд этган².

Энди ёзув ва қайдларимизни тўғрилаб “Дарвишиқ” эмас, балки “Дарвеш шайх” деб атаганимизда тарихий факт ҳақиқатга айланар эди. -

Дарвешшайх қишлоғида жойлашган “Дарвеш шайх мазори” бир кўришда одатий қабристонга ўхшаб, ота-боболаримиз мангу қўним топган ма-

¹Бундай икки компонентдан иборат жой номларини юртимизда кўплаб учратиш мумкин ва ўз навбатида барчаси тўлиқ юритилган эмас.

² И.Вирский. Сведения о Зеравшанскомь округь // Ежегодник. Материалы для статистики Туркестанскаго края. Под ред.Н.А.Маева. Петербург. 1872. С. 57

кондек туюлади. Аслида, бу муқаддас қадамжо, соҳиби мазордан ўз вақтида инсонлар маънавий етукликни топган, соғлом эътиқод нури воситасидан баҳраманд бўлган, таълим-тарбия маскани етакчиси, улуғ тарбиячи, мутасаввуф олим ясавия сулуки силсиласи пири Дарвеш шайх Азизоннинг муқаддас зиёратгоҳи, ошиқ кўнгиллар жомидин нўш этиб, комилликка рўбарў бўлган тарбия ўчоғидир.

Бу маскан тарихий манбаларда Шероз туманидаги Алиобод худудига қарашли эканлиги таъкидланади. Алиобод ўз навбатида, Самарқанднинг донг таратган музофотларидан³ бири сифатида маълум.

Географик харитага кўз ташлаган ҳар бир киши Ўрта Осиё худудида одамлар номи билан боғлиқ жой номлари кенг тарқалганлигига амин бўлади. Бундай жой номлари ичида, албатта, пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)⁴нинг куёви, хулафои рошидийнлардан бири Ҳазрат-и Али, каррамаллоҳу важҳаҳу исми билан аталган жой номларини ҳам учратиш мумкин⁵. Бу ҳақда Ш.Камолитдинов қуйидагича фикр билдиради: “Ўрта Осиё тарихий антропономиясининг муайян қисмини қадимги араблар ва илк ислом даври билан боғлиқ бўлган тарихий шахсларнинг исм-

³Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: И.Бекжонов, Д.Сангилова. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2009., 275 бет.

⁴Соллал-лоҳу алайҳи ва-с салам

⁵Абдулаҳатов Н. ва Толибжон Ғозиев. Шохимардон. Тошкент. 2010 йил, 75 бет.

ларидан ясалган жой номлари ташкил этади. Айрим аҳоли масканларининг номлари ислом дини йўлида қурбон бўлиб, кейинчалик одамлар тасавурида авлиёлар қаторига қўшилган саҳобалар, яъни Муҳаммад (САВ) сафдошларининг исмлари билан боғлиқ. Масалан, Самарқанд, Балх ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги Алиобод номли бир нечта шаҳарларнинг номлари Ҳазрати Али исми билан боғлиқ”⁶.

Маълумки, араб тарихчиси Ибн Ҳавқал ўзининг “Китоб сурат ал-ард” номли рисоласида, мазкур ҳудудларни “Кабуданжкат рустоқи”, - деб эътироф этган. У Кабуданжкат рустоқи бошдан-оёқ қишлоқлар ва кўм-кўк дарахтлар билан қопланганлигини таъкидлаб, унинг бош шаҳри Кабуданжкат⁷ эканлигини қайд этади.

Ш.С.Камолиддинов ёзишича Кабуданжкат Самарқанддан 2 фарсах масофада жойлашган шаҳарча бўлса, 4 фарсах масофада эса Кабуд номли қишлоқ ҳам бўлган⁸.

Соҳиби Самария ҳам бу ҳудудларни ўз ичига олган туман сифатида “Кабуд тумани”⁹, деб қайд этган.

Мазкур мазор зиёрати ва бу ерда тадқиқот иш-

⁶Камолиддинов Ш.С. Араб исмларидан ясалган қадимги жой номлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №1, Т., 2006. 38 бет.

⁷Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори Ш.С.Камолиддинов. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2011 й. 63 бет.

⁸Мазкур асар. Шарҳ ва изоҳлар. 210 бет.

⁹Абу Тохир Хожа. Самария. Б.Аҳмедов ва бошқалар таҳрири остида. Тошкент. 1991 йил. 58 бет.

лари олиб бориш учун 2017 йилнинг 26 июл чоршанба куни ташриф буюрдик¹⁰.

Дарвеш шайх мозори ҳудуди чамаси 5 гектар майдонни эгаллаган ва жануб томонидан “Баққолчи ариқ” билан чегараланган. Мозордаги асосий тарихий манбалар -қабртош битиклардир. Қабр тошлар юзасида Қуръони каримдан Фотиҳа сурасининг Басмалла, Калима-и тавҳид, қабртош матнининг стандарт формулалари (ҳаза марқаду мағфур марҳум, ин марқад ва бошқалар) битилган. Биз тарихий шахслар ҳақида фактлар, маълумотлар ҳамда улар вафот этган саналарни ўрганиб, тадқиқотимизга киритдик. Айрим қабртош битиклар тош материалнинг қор-ёмғир, экологик ва бошқа ташқи таъсирларга учраганлиги боис ўзининг асл қиёфасини сақлай олмаган ва шу сабабли уларнинг айримларини тўлиқ ўқишнинг имкони бўлмади. Шунингдек, қабртошлар орасида Дарвеш шайх Азизонга тегишли қабртошни учратмадик.

Қабр тошлар ва улардаги маълумотлар қуйидагилардан иборат:

1. Авлоди Ҳазрат Бахшойиш Азизон¹¹.

¹⁰Бу ташрифда бизга Ҳиммат Тўйжон ўғли Суёнов (68 ёшда), Донобой Раҳимов (51 ёшда) ва Ботиржон Деҳқонов (22 ёшда) ҳамроҳлик қилдилар.

¹¹Кўриб турганимиздек, бу ерда Бахшойиш шайх авлодлари тўғрисида маълумотлар берилган. Манбалар орасида тарихчи-манбашунос олим Комилхон Каттаев шахсий кутубхонасида сақланаётган “Тарихи мазорот” номли муаллифи номаълум асар форс-тожикча, настаълиқ хатида ёзилган. У XIX асрга тегишли қўлёзма асар. Мазкур ҳудудда Бахшойиш шайх дафн этилганлигига ишора қилувчи маълумотлар мавжуд. Бироқ Бахшойиш шайх-

Раҳмонберди Хожа Азизон – Султон Хожа Азизон – Абдухолиқ Хожа. Санаи ҳижрий 1140/1726 йил.

2. Авлоди Ҳазрат Бахшойиш Азизон. Дарвеш шайх ибн Абдулҳақ¹² шайх.

3. Эшмуҳаммад. (Мазкур тошнинг ён томонида “Ихлос” сураси ва ҳижрий 1295/1876 йил санаси келтирилган).

4. Йўлдошбой Эшбой ўғли. Вафоти ҳижрий 1324/1904

5. Холжон бинти ... бой.

6. ...бинти Эшбой.

7. Эгамбердибой ибн Эшбой.

8. ...ибн Қурбонбой ибн Шербой ибн Фармонбой.

9. Бердиқул валади Турсунқул. Вафоти ҳижрий 1330/1910 йил

10. Абдулғани Устабой.

Дарвеш шайх Азизон XV асрнинг охирларида Тошкентда таваллуд топган. Самарқандга келиб,

нинг қабри бошқа манбалар (“Ламаҳот”)да Туркистонда эканлиги ҳақида қайд этилган. Ҳозирда Жомбой худудида Бахшойиш шайх номи билан аталувчи мазор мавжуд. А.Муминов берган маълумотларга кўра Бахшойиш шайх исмига эга тарихда бир нечта шайх яшаган. Қаранг: А.К.Муминов. Родословное древо Мухтара Ауэзова. Алматы.: Жибек жолы. 2011 год, А.К.Муминов. Шиитские культурные влияния на Центральную Азию (на примере деятельности Алидов) // *Ars Islamica*: в честь Станислава Михайловича Прозорова / сост. и отв. ред. М.Б.Пиотровский, А.К.Аликберов; Ин-т востоковедения РАН. Москва: “Наука – Вост. лит”. С.647-649

¹²Мазкур қабртошдаги ёзувда “Абдулҳақ” “عبد لحق” деб ёзилган, “хе” харфи билан “қоф” харфи ўртасида “лом”, “алиф” ва “йо” харфлари йўклиги сабаб, биз “Абдулҳақ” деб қайд этдик. Яна қаранг. Дарвишиқ мазоридаги мазкур қабртош. Олим шайх, Мўмин шайх, Тохир шайх, Дарвеш шайх мазори. Дала тадқиқот манбалари. Респондент Химмат бобо... 2017 йил 5 август.

шайх Худойдоди Вали хонақоҳида таълим-тарбия топиб, ясавия силсиласи сўфиларидан бир бўлиб камолга етади.

Унинг ўз устозига бўлган эҳтироми юксак даражада бўлган. У ўз уйидан, устози шайх Худойдоди Валининг хонақоҳигача бўлган йўл (Алиободдан-Ғазирагача бўлган йўл)ни тасаввуфона тарзда “Ошиқлар йўли” деб эътироф этган. Дарвеш шайх Азизон ҳаёти давомида Тошкентда масжид, устози шайх Худойдоди Вали хонақоҳида ҳовуз қаздириб¹³, у ерда боғ барпо қилган¹⁴.

Халқ орасида шухрат қозонган Дарвеш шайх Азизон фақатгина тариқат ишлари билан машғул бўлмасдан, балки, ўша даврдаги ҳукмдор шахсларнинг фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиб турган. Шу ўринда Ҳазрати шайхнинг айрим давлат бошлиқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида юз берган воқеаларни келтириш мумкин.

“Мусаххир ал-билод” асарининг¹⁵ “Абдуллатифхон ибн Кўчкунчихоннинг зикри” бобида қуйидагилар ёзилган: “Бухоро хони Абдулазизхон (хижрий 957/1549 йил) 26 рабби ус-соний куни вафот этгач, амирлар ва давлат аъёнлари билан

¹³Батафсил маълумотларни қаранг: Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот. 99, 111 бетлар

¹⁴Н.Ҳасанов, Ў.Султонов. Муҳаммад Олим Сиддиқий. ва унинг “Ламъаҳот мин нафоҳоти-ул-қудс” асари ҳақида. Қаранг: // Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали // 2006 йил, 3-сон, 194-197 бетлар

¹⁵Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсатгичлар муаллифлари: И.Бекжонов, Д.Сангирова. Тошкент. “Янги аср авлоди” нашриёти. 2009 йил.

иттифоқ бўлиб, Муҳаммадёр султон бошига ҳукумат тожини кийдирдилар. Балх ҳокими Пирмуҳаммад султон ибн Жонибек султон таъзия баҳонасида Бухорога келди ва ул шаҳарни шу йўл билан қўлга киритиб, мамлакатда салтанат ноғорасини чалди. Муҳаммадёр султон Самарқандга Абдуллатифхон олдига бориб, воқеани айтиб берди. Абдуллатифхон ва Бароқхон бошқа биродар ва фарзандлари билан бирга Бухорони қайтариб оладиган бўлишади”, аммо ушбу жангда кучи етмаслиги сабабли ҳар тарафга қочиб кетадилар...¹⁶

Охир ул-амр “валийлик паноҳи Дарвеш шайх Алиободийни келтирдилар ва у орқали сулҳ битимни ўртага солдилар ҳамда Кармана қалъаси ичидаги Ҳазрат Қосим шайх Азизон хазирасига юзланиб, ўша ерда икки томон аҳду паймон юзага чиқди ва муҳолифлар ўша ердан қўзғалганча ҳар ким ўз юртига¹⁷, Самарқанд хонлари ва Туркистон ҳамда Тошкент султонлари ўз ватанларига қайтиб кетдилар. Пирмуҳаммадхон ўша йил ўртасида Муҳаммадёр султон ибн Севинч Муҳаммад султон ибн Маҳмудхон шайбонийни чақириб, Бухорони унга қайтариб берди”¹⁸.

Мазкур воқеа тўғрисида “Ламаҳот” аса-рида: “Ҳазрат Азизон Бухорога бордилар. Бароқхоннинг жиловини зўрлик билан ушладилар. Ва мусулмонларни қутқардилар. Кейин Бухорони

¹⁶Мазкур воқеа хижрий 958/1550-51 йил содир бўлган.

¹⁷Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод... 164-165 бетлар.

¹⁸Сана 1551 йилда. Мазкур асар. 235 бет.

Пирмухаммадхонга топширдилар. Кейин Ҳазрат Азизоннинг кўнгиллари ёришди ва айтдилар Жу-
вонмард Алихон Самарқандни бизга ниёз қилсин
Абдуллахон Бухорога қараб индамай кетади. Чу-
нончи Ҳазрат бузруквор қилган эдилар. Бу воқеа
ўзларининг маноқибларида батафсил ёритилган.
Кейин бу мухлис Ҳазрат Азизондан рухсат олиб Али-
ободга кетди. Кейин Ҳазрат Азизон у ердан чиқиб
Самарқанд яқинидаги Умар қишлоғига келадилар.
У ердан Пирим шайх, Тохир шайх, Ифтихор шайх,
Амир Набира, Мирмоҳ шайхларни Жувонмард
Алихон ҳузурларига юборадилар. Самарқандни
бизга назр қилсин. Биз Абдуллахонни унинг ва му-
сулмонларнинг бошидан узоқ қилайлик, дейдилар.
Ва ул бедавлат қабул қилмайди.

Кейин Ҳазрат Азизон кўргандек айтдилар:
сизлар ҳисобланглар 52 кундан кейин Абдуллоҳ
Самарқандни олади. Абдуллахонга айтинглар,
Самарқандни олсин. Икки кишини ҳурматласин,
бири олимлар устози Мавлоно Исмагуллоҳ¹⁹, ик-
кинчиси Қозишоҳ, кейин Самарқандни тарож
қилсин”²⁰, дея қайд этилган.

Ҳазрат Дарвеш шайх Азизон умрининг охиригача
Алиободда яшаб, 1551/52²¹ йилда шу ерда вафот этади.

¹⁹Мавлоно Исмагуллоҳнинг отаси Мавлоно Маҳмуд ибн Мавлоно
Неъматуллоҳ бўлиб, Хожа Ориф Ревгарий авлодидан, ўз даврининг етук
уламоларидан биридир. Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоъирин. Бухо-
ро. форсча. 134 саҳифа.

²⁰Мухаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот / Таржима, сўзбоши, илмий-
тадқиқот ва изоҳлар муаллифлари К.Каттаев ва А.Нарзуллаев. Самарқанд.
2012 йил 127-128 бетлар.

²¹ С.Иноятов, А.Қандаҳоров. Шайх Худойдод Вали-Кармана
фарзанди. Тошкент. 2008 йил. 19 бет.

ДАРВЕШ ШАЙХ АЗИЗОН НАСАБНОМАСИ

Халқимизда насл-насаб, кон-қариндошлик, уруғ-аймоқ муносабатлари қадрият сифатида қаралади. Қариндош-уруғ, оила, авлод-аждод масалаларига алоҳида эътибор беришади. Бу ўз навбатида ҳар бир шахснинг оиласи, ота-онаси, ака-ука ва опа-сингилларига бўлган муносабатларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бошқа томондан қон-қариндошлик ришталари мустаҳкам муҳитда тарбия кўрган инсоннинг Ватан, ўзи туғилиб ўсган тупроққа бўлган меҳри ва муҳаббати бошқача бўлади.

Юртимиз бир неча йиллар тазйиқ остига олиниши, зиёли, маърифатпарвар, доим фаолиятида халқ ташвиши, осойишталиги мавж урган аждодларимизни бугунги ёш авлоднинг англаши, улардан шижоат, она-ватан меҳри, юрт равнақи йўлида бардавом ҳаракатда бўлишлик каби тушунчаларни ўрганиши келажакка ишончни оширади.

Ҳар бир ўзбек фарзанди “етти авлод”ини билиши, айниқса ўзининг насабномаси, шажараси ва унинг тарихини билиши муҳим ва долзарбдир. Шундан келиб чиқиб тадқиқотимиз асосий объекти бўлган Дарвеш шайх Азизоннинг насл-насаб занжирини ўрганиш унинг тарихи, фаолиятини ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бошқа жиҳатдан тарихнинг ёрдамчи соҳаси бўлган генеалогия фани учун ҳам маълумотлар тақдим этади.

Дарвеш шайх Азизоннинг аждодлари шажараси учун асосий маълумотлар қуйидаги манбалардан олинган:

- Ламаҳот;
- Мажма ал-ансоб вал ашжор;
- Тухфат ул-ансоб;
- Олим шайх қабртошидаги насабнома.

Юқоридаги асарлар ва манбаларга асосла-
ниб мазкур шайхнинг насабномаси қуйидагича
кўриниш касб этган:

1. Дарвеш шайх ибн шайх Хованд → шайх Фатхуллоҳ → шайх Хованд (лақаблари Сармаст) → Фатхуллоҳ → Хайбатуллоҳ → Фатхуллоҳ шайх → Тожиддин → Алоуддин → Ҳазрат Қутб ул - ақтоб шайх Зайниддин → Ҳазрат шайх Шаҳобиддин Сухравардий²²нинг ўғли, ул зот эса ўн уч восита ила Амир ал мўъминийн Ҳазрат Абу Бақр Сиддиқ разияллоҳу анҳуга бориб тақалади.

2. Ҳазрат шайх Дарвеш ибн шайх Хованд-шоҳ ибн шайх Фатхуллоҳ ибн шайх Хованд-шоҳ (лақаби Сармаст) ибн Фатхуллоҳ шайх ибн шайх Тожиддин шайх ибн шайх Алоуддин ибн шайх Зайниддин Бобо ибн шайху-лислом Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ибн шайх Муҳаммад Муртазо ибн Абдуллоҳ ибн Амуйа Абдуллоҳ ал-Кубро -Шаҳобиддин ибн Саъд ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Қосим ибн ан-Назр ибн ал-Қосим ибн ан-Назр ибн Абдурахмон ибн Қосим

²²Ҳазрат шайх Шаҳобиддин Сухравардий ҳақида батафсил қаранг: Э.Даминов. Шаҳобуддин Умар Сухравардий (Мири Жанда ота). Т.: Мовараҳоуннаҳр. 2010 йил. 32 бет.

ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу.

3. Дарвеш шайх → Хованд шайх → Фатхуллоҳ шайх → Хованд шоҳ (лақаби Сармаст) → Фатхуллоҳ шайх → Ҳайбатуллоҳ шайх → Алоуддин шайх → қутб ул-авлиё шайх Зайниддин → Абу Ҳафс Умар Сиддиқий Сухравардий → шайх Абдуллоҳ → Муҳаммад → Абдуллоҳ → Муҳаммад Саид → Ҳусайн → Қосим → Наср → Қосим → Муҳаммад → Абдуллоҳ → Абдурахмон → Қосим → Муҳаммад → Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу²³.

Энди кўриб ўтилган мазкур манбаларни таҳлилига кўра:

Ҳазрат шайх Дарвеш → Ховандшоҳ → шайх Фатхуллоҳ → шайх Ховандшоҳ Сармаст → Фатхуллоҳ шайх → Ҳайбатуллоҳ шайх → Фатхуллоҳ шайх → шайх Тоджиддин шайх → шайх Алоуддин → шайх Зайниддин бобо → шайхулислом Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар → шайх Абдуллоҳ → Муҳаммад → Абдуллоҳ → Муҳаммад Саъид → Ҳусайн → Қосим → Наср → Қосим → Муҳаммад → Абдуллоҳ → Абдурахмон → Қосим → Муҳаммад → Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу.

Янглиш бўлмасинким, тарихий манбаларда “Дарвеш шайх” исми бир неча шахс номи учрайди. Жумладан, Дарвеш шайх Азизон, Дарвеш

²³“Олим шайх, Мўмин шайх, Тохир шайх, Дарвеш шайх мозори”. Дала тадқиқот манбалари. 2017 йил 5 август. Респондентлар Химмат бобо (68 ёшда), Холбўта ота ибн Турсун бобо ибн Муҳаммади (71 ёшда) ва Шухрат Эрназаров (37 ёшда) ва Хожа Абдурахмон Ҳисорӣ. Тухфат ул-ансоб. ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди № 1459, 34-б варақ.

Муҳаммад Охунд Туркистоний, Мавлоно Дарвеш Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Бухорий (машҳур тасаввуф олими Хожа Имканагийннинг отаси, вафоти 1562 йил), Дарвеш Муҳаммад шайх ибн Ҳазрат Хофиз²⁴, Дарвеш Муҳаммад шайх (Бобо Хожа Бобожўш авлоди)²⁵, мулла Дарвеш сарбон²⁶, Дарвеш шайх ибн Абдулҳақ шайх... каби машҳур шайх ва олимлар мазкур ҳудудда яшаб ўтган ёки бевосита боғлиқлигини айтиб ўтиш мумкин.

Дарвеш шайх Азизон қабристониде яна бир Дарвеш шайх (ибн Абдулҳақ шайх) исмли тасаввуф намояндаси мазкур зиёратгоҳда дафн этилганлиги, юқорида кўрилган қабртош ёзувлардан маълум бўлди.

Абдулҳақ шайх ўз замонасининг етук тасаввуф арбобларидан бири бўлиб, манбаларда унинг Иброҳим шайх исмли ўғли борлиги айтилади²⁷.

Иброҳим шайх Дарвеш шайхнинг акаси ёки укаси, бўлиши эҳтимоли мавжуд²⁸.

Манбаларда Абдулҳақ шайх “Қутб ул-кубаро”²⁹

²⁴Қабри Кумушкент атрофларида

²⁵ О. Абдимўминов. Бешигида авлиёлар ўсган ватан. Тошкент. 2007 йил. 77 бет, С. Мустафоев. Жўш – ўн асрлик маскан. “Зарафшон” газетаси. 2014 йил 19 август сони (мазкур манбада тадқиқотчи, Бобожўш авлоди бўлган Муҳаммад Дарвеш шайхни “Азизон” нисбаси билан келтириб, бироз адашмовчиликка йўл қўйган).

²⁶XVI асрда яшаб ўтган Кубровия тариқати вакили. Бу ҳақда қаранг: Мир Хусайн Соктарий. Маноқиби Ҳазрат Муҳаммад Поянда Соктарий. ЎзРФАШИ фонди №2501-8 131-а варақ.

²⁷Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот... 50 бет.

²⁸Ҳозирча мазкур қартошдан бошқа манбаларда учрамади.

²⁹Абдулқодир ибн Муҳаммад Амин. Маджмаъ ал-ансоби вал-ашджар / История Казахстана ва персидских источниках, II т. // введ. перс. с арабского, персидского и тюркского языков, комментарии,

деб ҳурматланган вали зотлардан, ул зот ўз навбатида ясавия тариқати мактаби етакчиларидан бири Ходим шайх Азизоннинг фарзанди аржуманди ҳамда силсилаи жаҳрия-султонияда мурид-халифасидир.

Агар қабртошдаги ёзувларга эътибор қаратиб, Дарвеш шайхни Бахшойиш шайх Азизоннинг авлоди эканлиги тушинилса, Бахшойиш шайхнинг шажараси қуйидагича кўринишга эга бўлади:

“Бахшойиш³⁰ шайх Азизон ибн Хожа Камолиддин Хўжандий ибн Қутлуғ Азиз ибн Таваккал Азиз ибн Муҳаммад шайх Азиз ибн Қанбар шайх Азиз ибн Арслон шайх Азиз ибн Йигит Аҳмад ибн Йодгорхон ибн Билолхон ибн Рустамхон ибн Исмоилхон ибн Қилич Арслонхон ибн Чақир Тиконхон ибн Мансурхон ибн Авлиёхон ибн Иртуз Қарохон ибн Абдурахим боб ибн Абдуқаххор ибн Абдужаббор ибн Абдуфаттоҳ ибн Имом Муҳаммад Ҳанифа ибн амир ал-мўъминийн Ҳазрат Али”³¹ карамаллоҳу важҳаҳу ажмаъийнга етади.

Шунингдек, “Дарвеш шайх мазори”да Раҳмонберди Хожа Азизон, Султон Хожа Азизон, Абдухолиқ Хожа Азизон каби улуғ зотлар мазкур зиёратгоҳда мангу қўним топган, аждодларимиздир...

подготовка факсимиле к изданию Ш.Х.Вохидова, А.К.Муминова, Б.Б.Аминова. Алматы. 2005 г. С.11

³⁰ Бахшойиш шайхнинг Каримберди шайх ва Мавлонберди шайх исми ўғиллари бўлган.

³¹Маджма` ал-ансоб ва-л-ашдjar. С. 213

ДАРВЕШ ШАЙХ АЗИЗОН ҲАСАБНОМАСИ (ТАРИҚАТ СИЛСИЛАСИ)

Ҳасабнома – тариқат силсиласи, устоз ва шогирд шажараси, муршид ва мурид олтин занжири, маънавий баркамоллик давомийлигини акс эттирувчи сулукдир.

Тарихий манбаларда мазкур силсила соҳиблари шажараси етарлича қайд этилган³².

Дарвеш шайх Азизон Ясавия-Султония-Жаҳрия силсиласи маснади хирқасини Шайх Худойдоди Валидан³³ олган, ул зот Шайх Жамолиддиндан, у киши Ходим Шайхдан, у киши Шайх Мавдуддан, у

³²Қаранг: Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айн ал-хаёт (обихаёт томчилари) /Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад // Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Тошкент. 2004.; Ҳасан Хожа Нисорий. Музаққир ул-аҳбоб / Форсчадан таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи И.Бекжон. Тошкент. 1993.; С.Иноятов, Ҳ.Тўраев. Қосим Шайх Азизон. Тошкент. 2001.; Маджмаъу-л-ансоб ва-л-ашдҷар. Алматы. 2005 (Кўрс. асар); Ҳамидхон Исломиӣ. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Ясавий. Тошкент. 2005.; О.Абдимўминов. Бешигида авлиёлар ўсган ватан. Тошкент. 2007.; Н.Хасанов. Самарқандлик икки Ясавия шайхи // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летию юбилея города Самарканда. Ташкент, Самарканд: Фан. 2007.; С.Иноятов, А.Қандаҳоров. Шайх Худойдод Вали-Кармана фарзанди. Тошкент. 2008.; С.Мустафо. Кармана азизлари. Тошкент. 2010.; Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот / Таржима, сўзбоши, илмий-тадқиқот ва изоҳлар муаллифлари К.Қаттаев ва А.Нарзуллаев. Самарқанд. 2012.; К.Қаттаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд: СамДУ. 2015.

³³Ўрта Осиё тасаввуфи Ясавия-Султония-Жаҳрия тариқатининг етук наояндаси «Шайх Худойдоди Вали» номи билан тарихда чуқур из қолдирган бу зотнинг асл номи Худойберди бўлиб, отаси Ортиқ шайх Азизондир. Батафсил қаранг: К.Қаттаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд: СамДУ нашриёти. 2015. 8 бет.

киши Шайх Алидан, у киши Ямин (Эламин) бободан, у киши Садр Отадан, у киши Занги Отадан, у киши Ҳаким Отадан, у киши Султон ул-орифийн Хожа Аҳмад Ясавийдан иршодланган соҳиби силсиладирлар.

Аҳмад Ясавийга қадар силсила икки тармоқ орқали етиб келган, биринчи тармоқ: Султон ул-орифийн Хожа Аҳмад Ясавий Хожа Юсуф Ҳамадоний шогирди, у киши Шайх Абу Али Фармадий, у киши шайх Абу-л Қосим Гургоний-Тусий, у киши Абу-л Ҳасан Ҳарақоний, у киши Боязид Бастомий, у киши Имом Жаъфари Содик, (шу ердан яна бир тармоқ орқали давом этган: у киши Қосим ибн Муҳаммад, у киши Салмоний Форсий, у киши Абу Бакр Сиддик розияллоху анху орқали Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламга етишган) у киши Имом Муҳаммад Боқир, у киши Имом Зайнулобидин, у киши Ҳазрати Али карамаллоху ваҷҳаҳудан иршодланган бўлиб, Халифа Ҳазрат Али ўз навбатида Ҳазрат Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламдан тариқат ва шайхлик хирқаси воситаси ила силсила занжирига уланган.

Иккинчи тармоқ: Жаҳрия силсиласи Ҳазрати расули акрам саллоллоҳи алайҳи васалламдан халифа-ўринбосарларга, сўнгра эса Имом Ҳасанга кейин Шоҳ Абул Муҳсинга, сўнгра Шоҳ Мусога, сўнг Довуд ал-Муросга, сўнг Яҳё Зоҳидга, сўнг Саййид Абдуллога, сўнг Мусо Чангийга, сўнг Муҳаммад Солиҳга, сўнг Ҳазрати Ғавсул-сақалайн

Шайх Абдулқодир Жилонийга, сўнг Шаҳобиддин Сухравардийга, сўнг Ҳазрати Султон Хожа Аҳмади Ясавийга, сўнг Ҳаким Отага, сўнг Занги Отага, сўнг Садр Отага, сўнг Ямин (Эламин) бобога, сўнг Шайх Алига, сўнг Шайх Мавдудга, сўнг Ходим Шайхга, сўнг Шайх Жамолиддинга³⁴, сўнг Шайх Худойдоди Валидан Дарвеш шайх Азизон Алиободийга маснад силсиласи уланган.

Дарвеш шайх Азизоннинг энг яқин халифа шогирдлари қуйидагилар эди: Малоно Муҳиб Али, Муҳаммад Тохир шайх, Мўмин шайх, Хожа Камоллий бобо, Бобо Ҳуши, Мавлоно Муҳаммад Ҳусан Нўғай, Жонбобо шайх, Ҳузурбўлди Сўфи³⁵.

³⁴ К.Каттаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд . СамДУ нашриёти. 2015 йил. 32 бет.

³⁵Ламаҳот. 86-130 бетлар., Маджма` ал-ансоб ва-л-ашдjar. 11 стр.

ДАРВЕШ ШАЙХ АЗИЗОН АВЛОДЛАРИ

Дарвеш шайх Азизоннинг Муҳаммад Тоҳир ва Мўъмин исмли ўғиллари бўлганлиги манбаларда қайд этилган.

Муҳаммад Тоҳир ва Мўъмин ҳасабда ҳам насабда ҳам ака-ука эдилар. Оталари каби Алиобод мавзеъида таҳсили илм ҳосил қилиб, мазкур ҳудуд ясавия шайхларидан мураххасланиб, ўз замонларида камолга етган саодат манбаи бўлганлар.

Муҳаммад Тоҳир шайх – ҳозирги Пайариқ тумани, Нариман яқинидаги ўз номи билан аталадиган “Муҳаммад Тоҳиршиқ” мазоридида мангу қўним топган.

Маҳаллий аҳоли унинг отаси мазорини “Дарвишиқ”, деб атаганлари каби, ўзлари дафн этилган мазорни “Тоҳиршиқ”, дея эътироф этишган. Аслида Муҳаммад Тоҳир шайхдир. Ул зот XV асрда яшаб ўтган. Отаси Дарвеш шайх Азизоннинг даргоҳида тарбия топиб, шайх Худойдоди Вали суҳбатига мушарраф бўлган ҳамда ясавия силсиласидаги устози Қосим шайх Азизон, ул зотнинг устози Мавлоно Вали Азизон, у кишининг устози шайх Худойдод бўлиб, силсилаи жаҳрияи-султония тариқатини давом эттиради...

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида Муҳаммад Тоҳир Сиддиқийни: “Олий мартабали ҳазрат, фазл девонининг жамловчиси, қонунларни тайинловчи, мушкулотни ҳал этувчи, уламо ва

фусаҳо ва насаб эгаси, дин нури”³⁶, дея улуғлайди.

Жорий йилнинг 5 август куни Ҳиммат бобо, Ботиржон ҳамроҳлигида Муҳаммад Тоҳир шайх зиёратидан баҳраманд бўлдик. Шу аснода зиёратгоҳда маъсул вазифани бажариб келаётган Эшмуҳаммад ака билан мазкур мазор билан яқиндан танишишга киришдик. Аммо, қабристонда бирон-бир белги (қабртош)ни учратмадик³⁷.

Бугунги кунда мазкур зиёратгоҳ атрофларида катта ободончилик ишлари олиб борилмоқда...

Энди Мўъмин шайх ҳақида.

Асл исми Муҳаммад Мўъмин бўлиб, ул зоти киром акаси Тоҳир шайх каби дастлаб отасидан вирду навофилларни қабул қилиб, тарбия топади, кейинчалик машҳур ясавий шайхи Қосим шайх Азизон Карманегий даргоҳида камолга етади ҳамда ул зоти шарифдан мураххасланиб, муршидлик хирқасини мазкур зотдан олади ва соҳиби силсила бўлади.

Муҳаммад Мўъмин шайх умрини охирини Алиободда ўтказиб, шу ерда, катта ариғ (Пайарик)нинг жануб томонида, (ҳозирги Алиобод маҳалласидаги “Зилола фермер” хўжалигининг шимол томони, “Мўъмин шайх мазори”нинг жануб томонида) дафн этилган. Бу ҳақда Абу Тоҳир Хожа Самарқандий қаламига мансуб “Самария” асарида: “Ҳазрат

³⁶Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулломома. 2000 й. Форс тилидан таржимонлар: С.Мирзаев ва Ю.Ҳакимжонов. Изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Т: Шарқ. 108-109, 114, 138, 265, 279 бетлар.

³⁷Муҳаммад Тоҳир шайх қабри устига (яқин йилларда) қўйилган қабртошдаги ёзув хронологик ва орфографик жиҳатдан талаб даражасида эмаслиги сабаб, келтирмадик.

Мўъмин шайх Азизон мозори. Дарвеш шайх Азизоннинг ўғли бўлган Мўъмин шайх Азизоннинг мозори ҳам Алиободда, катта ариғнинг жануб томонидадир”³⁸, дея аниқ маълумот беради.

“Мўмин шайх мозори” қоровули Шўҳрат Эрназаров таъкидига кўра, “Мўмин шайх мозори”нинг жанубий қисми, бир неча сабабларга кўра бундан тахминан 35-40 йиллар чамаси муқаддам бузилиб, ер участкасига айлантирилган. Фақатгина бешта қабртош сақланган. Ушбу қабртошларни кейинчалик маҳаллий аҳоли, ҳозирги “Мўмин шайх мозори”га олиб келиб қўйишган, иккитаси мазкур фермер хўжалиги ер участкасида қолиб кетган. Қабртошларни кўздан кечирганимизда, катта ариқнинг жануб томонидаги “Зилола фермер” хўжалиги ҳудудида иккита қабртошда қуйидаги ёзувларни кўриш мумкин:

1. Ҳаза марқаду мағфур (Аллоҳ мағфират қилган) ва марҳум (Аллоҳ раҳмат қилган) мусамма (яъни шу исм билан аталган) Оғо³⁹ бинт Махзум Мулло Турсун. Фит тарихи санаи арбаъ ва хамсин ва саманимия (хижрий 854/1450-51 йил).

2. Марқаду мағфур марҳум мусамма Бегим Моҳ бинти Зиёмуҳаммад. Санаи фит тарихи шаҳри шаввол тисъа ва саманин ва тисъамия (хижрий 989/1581-82 йил).

Энди, “Мўмин шайх мозори” ичидаги қабртошлар тўғрисида:

³⁸59 бет.

³⁹ Мусамма. Оғо Махзум исми билан аталган маъносини беради.

1. Вафоту Мавлоно Муҳаммад ибн шайх Қалчук ибн шайх Муҳаммад ал-Алиободий ... зул ҳижжа арбаъ (4 – зулҳижжа ойи) .

2. ...Биби бинти шайх Муҳаммад ...

3. Вафоту марҳум мағфур ... Муҳаммад ... фит торихи шаҳри шаввол санаи арбаъ аъшара ва тисъа ... (тошдаги ёзувнинг охирини ўқишни иложи бўлмади).

4. Вафоту мағфур сана 8 зулҳижжа Ҳол Бека ... бинти Юнус .. бек. шаҳри шаъбон санаи тисъа ва арбаъина ва самани мия (ҳижрий 849/1445)

5. Ҳаза марқаду ал-мағфур ал-марҳум Бек...

6. Вафоту Фаҳр Султон бинт Асадуллоҳ Муҳаммадий... (Тош гаҳвора шаклдаги мрамартош бўлиб, одатда шундай тошлар султонлар хонадонига тегишли аёлларга қўйилади).

7. Яна бир кичикроқ мрамартошнинг ёзуви сақланмаган.

Мазкур мазор ва унинг атрофида Мўъмин шайхга тегишли қабртошни учратмадик, аммо юқорида кўрилган 3-қабртошни, маҳаллий аҳоли айнан Мўъмин шайхга тегишли эканлигини таъкидлашади. Ушбу қабртош, бошқа қабртошларга нисбатан каттароқ қорамтир мрамартош, чиройли қилиб ишлов берилган ҳамда тошнинг тагсандиқлари ҳам мавжуд, вақт ўтиши..., бизнинг имкониятларимизни чеклаб, тошдаги ёзувларни тўлиқ ўқишни сира иложини топмадик.

Мўъмин шайх Азизоннинг ўғли, тасаввуф тарихидаги муҳим манбалардан бири “Ламаҳот” асари-

нинг муаллифи Олим шайх Азизон бўлиб, унинг, яъни “Олим шайх Азизоннинг файз осор мозори ... Алиобод деган ўриндадир. Олим Шайх Азизон Дарвеш Шайх Азизоннинг ўғли бўлган Мўъмин Азизоннинг ўғлидир. Она томондан бобоси Тошкент вилоятига қарашли Қуйлуқ деган ўринда бўлган мавлоно Хофиз Қуйлуқийдир”⁴⁰.

Олим шайх Азизон 1564 йилда Тошкентда таваллуд топган. Аштархонийлар сулоласи даврида ясавия сулукининг забардаст вакили сифатида фаолият олиб борган...

Олим шайх Азизоннинг вафот этган йили манбаларда турлича келтирилган. “Самария”да хижрий 1041/1631 йил, “Тухфат уз-зоъирин”⁴¹ ва “Равойиҳ ул-қудс”⁴² асарларида хижрий 1043/1632 йил санасини қайд этилган. Айрим муаллифлар 1643 йилда⁴³, хижрий 1093/1682 йилда⁴⁴ деган бўлса, яна бошқа тадқиқотда хижрий 1087/1676-77 йил⁴⁵, яна бир ёзишмада 1635 йилда вафот этганлиги қайд этилган⁴⁶. Олим шайх қабри устига қўйилган

⁴⁰ Самария. 58-59 бет.

⁴¹ Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоъирин. Тошбосма. Форсча. Бухоро. Хижрий 1324/1904 йил. 135 саҳифа

⁴² Мақсуди Бухорий. Равойиҳ ул-қудс. Қўлёзма. К.Каптаев шахсий кутубхонасида. 111 саҳифа.

⁴³ Ш.Бобохонов, А.Мансур. Нақшбандия тарикатига оид қўлёмалар фикристи. Тошкент. 1993 йил. 93 бет.

⁴⁴ Собрание Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том-III. Тошкент 1955 год. 354 стр.

⁴⁵ Абдусаттор Жуманазар. Бухоро. Тошкент. 2017. 317 б.; Абдусаттор Жуманазар. Машраб. Тошкент. 2015. 70 б.

⁴⁶ Ж.М.Тулибаева. Духовная культура народов Центральной Азии: агиографические сочинения // Сборник материалов с конференции “Фундаментальные и инновационные проблемы востоковедного образования и науки”. Алматы. 2011 год.

қабртошда⁴⁷ хижрий 1042/1632 йил санаси зикр этилган. Бизнингча охирги манба саҳиҳ бўлиб, Олим шайх Азизон хижрий 1042/1632 йилда Алиободда вафот этган. Абу Тохир Хожа Самарқандий маълумотиға таяниб, унинг таваллуди хижрий 972/1564 йил эканлиги ва “Ёшлари саксонга⁴⁸ бориб қолган эди”⁴⁹, деган қайдни инобатга олсак, Олим шайх Азизон хижрий 972/1564 – 1042/1632 йилларда яшаб ўтган, шунингдек, айрим манбаларда Олим шайх Азизон 72 ёшида⁵⁰ вафот этган, деган маълумотга кўра ул зот 970/1562 йил таваллуд топганлиги маълум бўлади. Кўриб чиқилган тарихий ҳужжатларга суяниб, Олим шайх Азизон 1562 йил Тошкентда таваллуд топиб, 1632 йилда Алиободда вафот этган, дея эътироф этсак, кейинги тадқиқотларда қўшимча манбалар синчиклаб ўрганилса бу борадаги тафовутлар ўз ечимини топади, деб умид қилиб қоламиз.

Олим шайхнинг устози Пирим шайх Азизон, ул зотнинг устози Қосим шайх Азизон, (у кишининг устози Мавлоно Кўҳи Нурий,) у кишининг устози шайх Худойдоди Вали (раҳматуллоҳи алайҳ) дир.

⁴⁷Олим шайх зиёратгоҳи тўғрисида тарихчи Бобур Аминов тадқиқоти (Олим шайх Азизоннинг насабномаси қабртошдаги битиклар асосида) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2011 йил 3-4 сонлари) олиб борганлиги сабабли, биз қисқа қилдик. Дала тадқиқот манбалари. Олим шайх, Мўмин шайх, Тохир шайх, Дарвеш шайх мазори.Алиобод маҳалласи. Респондент Холбўта ота. 2017 йил 5 август.

⁴⁸ Самария. 59 бет.

⁴⁹Бу ерда муаллиф “ёшлари Саксонга бориб қолган эди”, деб ҳам тахмин қилинмоқда, шундай бўлса, 70 ёшдан ўтган демокчи.

⁵⁰ Равоийх ул-қудс. 111 саҳифа.

Шу ўринда Олим шайхнинг устози Пирим шайх ҳақида маълумот бериб ўтиш лозим.

Пирим шайх зиёратгоҳи бугунги кунда мазкур туманнинг Қирқ-сайдов маҳалласи ҳудудига жойлашган бўлиб, тарихда бу ҳудудлар “Сайд Оҳу”⁵¹ номи билан юритилган. Пайариқ туманида жойлашган мазкур қишлоқ номи 1926 йилги аҳоли рўйхатида Каттасайдов, Қирқсайдов, Ўртасайдов қишлоқлари номлари остида қайд этилган. Ёзма манбалардан Хожа Аҳрорнинг 1546 йили тузилган вақф ҳужжатида Саид Оҳу шаклида қайд қилинган. Ўзбек топонимиясида мазкур лексема иштирокида ясалган географик номлар сони анчагинадир. Жумладан, манбаларда Дам Саид (Жуйидивона бўлиси), Беш Саид (Кабуд бўлиси), Довул Саид, Сайдон (Оқдарё), Саидкент (Ғиждувон), Саидхотун (Ромитон) каби топонимлар қайд қилинган, деб ўз тадқиқотида қайд этган Н.Бегалиев⁵².

Пирим шайхнинг отаси Қанбар шайх⁵³ бўлиб, Носириддин Бухорийнинг маълумотиغا кўра, ул зоти киром ўзи қурдирган ҳонақоҳда яшаб, шогирдларга таълим-тарбия бериб, 87 ёшларида Сайд Оҳу қишлоғида вафот этган⁵⁴.

⁵¹“Ламаҳот” асарида: وھادیصد و ساید-وھادیصد Сайд-оҳу шаклида аниқ таъкидлаб ўтилганлигига кўра Сайд – ов маъносида, Оҳу – оҳу, кийик, умумийликда Сайд-оҳу – “Оҳу ов қилинадиган жой”, маъносини беради.

⁵²Н.Бегалиев. Сўғд: мозиё лавҳалари (ўлкашунослик материаллари). Самарқанд. СамДЧТИ босмаҳонаси. 2007 йил. 87-88 бет

⁵³ Мақсуди Бухорий. Равойиҳ ул-қудс. 109 саҳифа

⁵⁴ Тухфат уз-зоъирин. 137 саҳифа.

Соҳиби “Ламаҳот” шундай дейди: “Пирим Шайх Азизоннинг умрлари 87 ёшга етгач бу байтни ўқиб Ҳай, деб жон бердилар:

Байт:

Бандага яхшидур ўз қусурила,
Худо даргоҳида узр сурагай.
Варна худойимга ҳаққо қодрихи
Лойиқ ишни қачон, ким келтиролгай⁵⁵.

Ҳазрат Пирим шайх ёшлигидан завқу шавқ билан устозлар суҳбатига ҳозир бўлар, улардан доимо таълим-тарбия олишга интилар, шу боис, устозлари унга “Ошиқ” куняс (лақаб)ини беришган эди.

2017 йил 22 сентябрда қилган зиёратимиз давомида Пирим шайх мангу ором топган бу файзли мозор билан яқиндан танишганимизда ул зотнинг даҳмаси, мозор ўртасида, атрофи пишиқ ғишт билан ўралган тахминан 8x8 метр чамаси баланд супада эканлиги маълум бўлди. Супа устида бир қанча қабртошлар мавжуд.

Пирим шайхнинг шогирди бўлган Олим шайх, ўз замонасида етук илм соҳиби олим сифатида фаолият кўрсатиб, ясавия тариқатини тебратиб, Самарқандда Улуғбек мадрасасининг жанубий-ғарбий томонида (х.1032/1622-23 йилда) хонақоҳ барпо этади⁵⁶, кей-

⁵⁵ Ламаҳот... 147 бет.

⁵⁶ Бу ҳақда қаранг: Самария. Кўрс. асар. 59 бет. Б.Аминов. Самарқандские шайхи йасавийа // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летию юбилея города Самарканда. Ташкент, Самарканд: Издательство “Фан” АН РУз, 2007. 346-349 стр

инчалик Алиобод мавзеида ҳам ҳонақоҳ⁵⁷, масжид ва мадраса барпо этади⁵⁸.

Шунингдек, ул зот томонидан “Ламаҳот” асари жаҳрия-султония тариқати вакиллари баёни асари⁵⁹ ҳамда “Дар радди мазҳаби шиъа” рисоласини ёзганликлари тарихий манбаларда зикр

⁵⁷Бу ҳақида вақф хужжатларида ҳам маълумотлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Марказий Архиви фонди (бундайн кейин ЎЗМДА)да И-18, 1-рўйхат, 4-китоб, иш-10356 рақам остида Ҳазрат Олим шайх Азизоннинг ҳонақоҳ вақф хужжати сақланади. Мазкур вақф хужжати доимий янгиланиб борилган. Вақф хужжатида Бухоро амирлари Амир Шоҳмурод, Амир Ҳайдар ва Амир Насруллоҳларнинг муҳри урилган. Хужжатни рус тилига Ш.Лапин таржима қилган. Хужжатнинг орқа томонида тангадек катталиқда “Абдулҳакимбой”, деб ёзилган муҳр босилган. Мазкур хужжатни В.Вяткин ҳам кўздан кечирган. Унинг маълумотига кўра “Ибодулла шайх Азизон” (Ясавия тариқати вакилларида бири) номи билан боғлиқ вақф хужжатлари тўғрисида ҳам айтиб ўтади (ушбу хужжат ЎЗМДА И-18, 1-рўйхат, 4-китоб, иш-10356 рақам остида сақланмоқда, бу ҳақда кейинги тадқиқотларда батафсил тўхталиб ўтамиз). Бу ҳақда қаранг: В.Вяткин. Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск VII. Самаркандь. 1902 год. 12 стр.

⁵⁸Мазкур масжид бугунгача (қайта қурилиб бўлса-да) сақланган, мадрасанинг жойлашган ўрнини ҳам кўриш мумкин. “Олим шайх, Мўмин шайх, Тохир шайх, Дарвеш шайх мазори”. Дала тадқиқот манбалари. 2017 йил 5 август. Респондентлар Химмат бобо (68 ёшда), Холбўта ота ибн Турсун бобо ибн Муҳаммади (71 ёшда) ва Шуҳрат Эрназаров (37 ёшда)

⁵⁹ 61 ёшларида, яъни хижрий 1033/1623 йилда ёзилган, Ж.М.Тулибаева ўзининг тадқиқотида (Духовная культура народов Центральной Азии: агиографические сочинения // Сборник материалов с конференции “Фундаментальные и инновационные проблемы востоковедного образования и науки”. Алматы. 2011 год) 1626 йилда ёзилган деб бироз адашади. Чунки асар ёзилган вақтда муаллиф 61 ёшда эканлиги инobatга олсак, бу хижрийда $972+61=1033/1623$ йил ҳосил бўлади, мазкур ёзишмада тадқиқотчи Олим шайхнинг таваллуд санасини 1565 йил деб олиб, 61 ни кўшиб, 1626 йил деб қайд этган, аслида бу биз айтгандек хижрий 1033/1623 йил бўлади. Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот. 127 бет.

этилган.

Олим шайх Азизон Алиободийннинг Мавлавий Муҳаммад Шариф, Мавлоно Хожа Усмон ва Хожа Байрам каби шогирдларни тарбиялаб камолга етказди.

Олим шайх Алиободийнинг Хожа Абдурашид⁶⁰, Хожа Амир Баҳоуддин⁶¹, Хожа Муҳаммад Обид исмли ўғиллари ва Моҳ Жон Бегим ҳамда Моҳ Бегим исмли қизлари бўлганлигини тадқиқотчилар томонидан қайд этилган⁶².

Олим шайхнинг шогирди мавлоно Усмон, унинг шогирди мавлоно Муҳаммади Имло Бухорий, унинг шогирдлари домло Ниёз Чақмоқий, шайх Махзум, Болтабой Бухорий, Охунд мулло Ниёз Муҳаммад Сўфи, домло Неъматуллоҳ Ошиқ⁶³.

⁶⁰Унинг ўғли Хожа Асъад, бу ҳақда қаранг: Б.Аминов. Олим шайх Азизоннинг насабномаси (қабртошдаги битиклар асосида) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2011 йил 4 сони, 290-293 бетлар.

⁶¹Унинг ўғли Муҳаммад Аминхон Баҳодири Нусратжанг, унинг ўғли Қамариддинхон Чин Баҳодири Нусратажанг (Ҳиндистонда вазири аълам вазифасини бажарган), унинг ўғли Мир Муъинидхон Баходир. Қаранг: Абдулхай ибн Абдулфатх ал-Ҳусайний. Хожа Ахрори Вали Насабномаси / Форс тилидан таржимон А.Усмонов. Тошкент. 2004 йил. 60 бет, К.Қаттаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд. СамДУ нашриёти. 2015 йил. 46-47 бетлар.

⁶² Н.Ҳасанов, Ў.Султонов. Муҳаммад Олим Сиддикий. ва унинг “Ламъахот мин нафоҳоти-ул-қудс” асари ҳақида. Қаранг: // Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали // 2006 йил, 3-сон, 196 бет, Б.Аминов. Олим шайх Азизоннинг насабномаси (қабртошдаги битиклар асосида) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2011 йил 4-сон, 290-292 бетлар.

⁶³ Носириддин Бухорийнинг “Тухфат уз-зоъирин” асарида ҳам таъкидлаб ўтилган. Қаранг: Бухоро. Форсча. хижрий 1324/1904 йил. 91 саҳифа. ЎЗР МДА фондида сақланаётган, айрим вақф хужжатлари (И-18, рўйхаг-1, иш-9829, 9852)да Мавлоно Ошиқнинг исмлари “Мавлоно Мир Неъматуллоҳ Ошиқ”, деб келтирилган. Шунингдек, Мавлоно Неъматуллоҳ Ошиқ ўз фаолияти давомида

Олим шайхнинг яна бир шогирди мавлоно Муҳаммад Шариф Бухорий, унинг шогирди мавлоно Имло⁶⁴, унинг шогирди Қосим Косагоров, унинг шогирди мавлоно Носириддин, унинг шогирди мавлоно саййид Абдурахим Хожа, унинг шогирди мавлоно Абдулхолиқ Хожа, унинг шогирди Саййид Ҳасан Хожа⁶⁵.

Файзи осор, нури зоҳир Олим шайх Азизон зиёратгоҳида бир-бора бўлган инсон, руҳий тети-кликла қувват топиб, кўзи равшанлик топади.

“Девон” тузганлиги, унинг етук шоир бўлганлигидан ҳам далолат беради. Унинг “Девони Ошиқ” номли асари ТошДШИ ШҚМ фондида инв №1015 рақам остида сақланмоқда. Хижрий 1260/1842 йилда кўчирилган, иккинчи нусхаси инв № 1116/V рақам остида сақланиб, хижрий 1325/1905 йилда кўчирилган.

⁶⁴ Мазкур силсиладан маълум бўладики мавлоно Муҳаммади Имло мавлоно Муҳаммад Шариф ва мавлоно Усмондан иршод топганлиги кўринмоқда.

⁶⁵ Иршоднома. Қўлёзма. Хижрий 1285/1868 йил. www.shajara.info

ЯКАНЧИК ЗИЁРАТГОҲИ

Бу ҳудуд ҳозирги Жомбой ва Пайариқ туманлари чегарасида жойлашган, Булунғур ва Мирзаариқ атрофидаги Довчарариқ мавзесида, маҳаллий халқ тили билан айтганда “Яканчик” зиёратгоҳи ҳисобланади.

Бу улуғ даргоҳ бугунги кунда “Яканчик” номи билан аталиб, маҳаллий халқ эътирофида турли кўринишларда талқин этиб келинган. Жумладан, “Якон шайх”, “Якум шайх”, “Яканшиқ” “Яканчик” ва ҳақозо.

Изланишлар натижасида шу маълум бўлдики, бу улуғ зиёратгоҳ машҳур Яссавия сулукининг намо-яндаси шайх Камолиддин Туркистоний-Оқоний номи билан боғлиқ бўлиб, XIV асрда бошларида Туркистон вилоятининг Чимкент мавзеъси Оқон қишлоғида таваллуд топган.

“Ламаҳот” асарида: “Шайх Камолиддин (қуддиса сиррух)нинг лақаблари Оқонийдур. Туркистон ноҳияларидан бири Оқон қишлоғида туғилганлар⁶⁶.”

Бир неча йил Самарқанднинг Алиобод мавзесида яшаб, шу ерда вафот этганлар (“Мажмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор” асарида 1492 йил деб кўрсатилган). Қабрлари табаррук зиёратгоҳ...”, деб маълумот беради.

Ул зоти киром ясавия силсиласи вакили шайх

⁶⁶ Носириддин Бухорийнинг “Тухфат уз-зоъирин” асарида ҳам таъкидлаб ўтилган. Қаранг: Бухоро. Форсча. хижрий 1324/1904 йил. 137 саҳифа.

Мавдуд даргоҳида тарбия топиб, камолга етган.

Шайх Мавдуд ўз навбатида шайх Алишайхнинг шогирди, ул зот Ямин бобонинг, у киши Садр Отанинг, у киши Занги Отанинг, у киши Ҳаким Ота (Сулаймон Боқирғоний)нинг, у киши соҳиби “Ҳикмат” – Ҳазрат Султон Хожа Аҳмад Ясавий қоййим-мақом халифасидир⁶⁷.

Камолиддин “Шайх”лик мартабасини олгач, “Шайх Камолиддин Оқоний” нисбаси билан машҳур бўлиб, камолотга етгач саодат манбаи бўладилар.

Мазкур зиёратгоҳ ва мавзеъ номи маҳаллий аҳоли тилида Яканчик тарзида талаффуз қилинганлигини, юқорида кўриб ўтганимиздек, урф-одатимизга кўра, халқ орасида улуғ инсонга ҳурмат юзасидан шайх Камолиддин Оқоний, деб, эмас балки, оддийгина “шайх Оқоний” деб юритилганлиги ва (550 йилдан ортиқроқ) вақт ўтиши натижасида “шайх Оқоний” сўзи, талаффузларда “Оқон шайх”...“Якон шайх”...“Якум шайх”...“Яканшик”... “Якканчик” дея, умумий маъно ўзгармасдан, маҳаллий халқ бугунги кунга қадар, бу даргоҳни муқаддас билиб, кунда зиёрат тарк этилгани йўқ.

Энди “Яканчик”, деб эмас, балки Шайх Камолиддин Оқоний, деб эътирофда, эъзозда билсак, бир қадам аждодларга яқинлашган бўламиз.

⁶⁷Бу ҳақда батафсил қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджма ал-ансоб ва-л-ашдҷар. Араб, форс ва туркчадан таржимонлар; Ш.Х.Воҳидова, А.К.Муминова, Б.Б.Аминова. Алма-ты. 2005 г. ва Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот. Таржима, сўзбоши, илмий-тадқиқот ва изоҳлар муаллифлари К.Қаттаев ва А.Нарзуллаев. Самарқанд. 2012 йил

Шайх Камолиддин – Оқоний таҳаллуси билан шеърлар ва ҳикматлар ёзганлиги ҳақида “Рашоҳот”да: “Аз кибор асҳоби Мавдуд турғонин билдирадир. Ҳижрий 1093 (милодий 1680)да бухороли муфти Зинда Али томонидан ёзилган “Самарат ул-машойих” отли китобда ҳам “Ламаҳот”да ҳам Камол шайхнинг таржимаи холи ёзилғонда “Мазкур Эшоннинг лақаби Оқоний бўлиб, Самарқанднинг Алиобод мавзеъидан ва шу ерда вафот этган”⁶⁸, деб маълумот бериб ўтган.

Ҳазрат Азизон қуддиса сирруҳул азиз айтадилар: “Ҳазрат Камол шайх катта ёшга кирдилар, жуда эгилиб қолган эдилар. Лекин завқ пайтида ўқдек тўғри, дадил ва эшитгувчи бўлар, бу ҳолдан чиққач яна эгилиб қолар эдилар.

Нақл қиладилар: “Ҳазрат шайх Камолиддин кечалари у кишининг шогирдлари овқат учун ўтин ташир эдилар. Хеч ким хабар топмас эди. Шайх Камолиддин айтадилар менинг бир фарзандим бор, бу ишни у қилади”.

Кундузи бошқа хизматларни қилар эдилар. 20 йил хизмат қилгандан кейин Ҳазрати шайх Камолиддин у кишига яъни Саид Аҳмад Ҳазратларига рухсати кул (шайхлик қилишга рухсат, иршод) берибдилар. Бу Ҳазрат хилват ва бошқа зикрларни шайх Камолиддиндан ўрганиб, шайхлик даражасига етган⁶⁹.

⁶⁸Фитрат. Ясавия мактаби шоирлари тўғрисида текширувлар // Танланган асарлар. II- жилд Т.:Маънавият. 2000 йил. 33 бет.

⁶⁹ Мирзо Меъроҷиддин. Яқоншайх зиёратгоҳи ёхуд шайх Камолиддин Оқоний–Алиободий // Жомбой тонги газетаси.

МАНБАЛАР СЎЗЛАГАНДА

Дарвеш шайх Азизоннинг сифатлари ва мартабалари ҳақида кўплаб китобларда таърифлар келтирилган.

Ушбу бобда ҳар асрларда ёзилган китоблардан мухтасар ёзишмаларда ҳамда тарихчиларнинг нигоҳида Ҳазрати Азизон Алиободий қандай мақтовли сўзларга сазовор бўлганликларини билиб олиш мумкин.

“Ламаҳот” китобидан:

“Ҳазрат Азизон Дарвеш шайх билан суҳбатлашибдилар. Ва айтибдилар, бу силсилаи шарифда Азизон Дарвеш шайхдан бошқа бе такаллуфроқ ҳимматлироқ кишини кўрмадим, дебдилар”.

“Нақл қиладилар бу фақир (Олим шайх)нинг бобо-си Дарвеш шайх қуддиси сирраҳу Алиободдан Ғазира ўртасидаги масофа уч фарсах йўл, эрталаб кетиб кеч қайтар эканлар ва бу йўлни “Ошиқлар йўли” деб ном қўйган эканлар”.

Бобо Хожанинг ўғиллари Хожа Ғани бу мухлисга хитоб қилиб айтдилар отамиз Бобо Хожа Тошканддан Самарқанд томон йўлга чиқадилар. Бобонгиз Ҳазрат Дарвеш шайх Алиободдан Тошкандга йўл оладилар, икки азиз Жиззах чўлида учрашадилар. Бобонгиз ушбу байтни ўқибдилар.

Байт:

Ер билан чўлларда бўлсам чўл демам,
Ёрсиз бўстонда бўлсам чўлдаман.

Байт:

Оёқ занжирида бўлса дўст билан,
Яхшидур бегоналарла дар бўстон.

Амаким айтар эдилар, Ҳазрат волидимиз олдиларига бир дарвеш келиб отларини ўғри олиб кетганини хабар берибди. Ҳазрат Азизон Дарвеш шайх ўзларининг хос муридлари халифалари Бобо Хушига отларини топишини буюрибдилар. Бобо Хушига бир муддат муроқаба қилиб айтибдилар, ўғрилар отларни Кўҳак дарёси ёқасига олиб бориб оёқларидан боғлаб қўйибдилар. Хизматчилар ўша мавзегга борсалар Бобо Хуши айтган ҳолда отларни топишибди. Ва олиб қайтариб келишибди. Ҳазрат эшон шунга ўхшаш ишларни Бобо Хушига ҳавола қилар эдилар. Бу мухлис эшитганки Ҳазрати эшон Тошкент саволига чиққанларида Жиззах йўлига етганларида ёмғир кўп ёғиб дўстлар меҳнат тортишибди.

Айтадилар: – Бобо Хушига айтинглари дўстлар ёмғирдан қутилсинлар. Бобо Хуши бу хабарни эшитиб булутларга юзланиб кетинглари деб ишора қилибдилар. Дарҳол булутлар кетиб ҳаво очилиб кетибди. Кейин Бобо Хуши айтибдилар, ўзи қилади лекин менинг номимга қўяди.

Байт:

Ки муридда ул бўлғайким пирдаги,
Пирдан билур ҳарчи ул тадбирдаги.

Ҳамма ишларни пирдан билур,
Ҳамма сўзларни ундан дейур.

Эй менинг азизим, бир дарвеш, шайхул ислом шайх Шаҳобиддин Сухравардий ҳузурларига Худо учун бир нарса беринг, деб келади. Шайх буйруқлари билан Ходим шайх бир нарса унга берадилар. У дарвеш нарсани олиб ўзининг пирининг ватани Ироққа қараб кетди. Таъзим қилиб айтади: – Эй шайх агар сиз бўлмаганингизда очликдан ҳалок бўлур эдим. Буни эшитган Ходим шайх ҳайрон бўлибдилар. Шунда шайх Ҳазратлари айтадилар: “Мурид хар ишини ўз пиридан бўлишини бу дарвеш сизларга таълим бераяпти”. Амаким айтадилар, дарвешлар Жиззах чўлида ташна бўладилар, шайх Ҳазратлари Бобо Ҳушига айтадилар, таважжуҳ қилингни, сув пайдо бўлсин. Бобо Ҳуши дуо қиладилар, ёмғир ёғиб, селлар кетади.

Байт:

Авлиёга бор қудрат аз илоҳ,
Сувни оқизгай у ҳам замри шоҳ.

Ҳазрати эшон камоли тамкинда эдилар ёши юзга етган бир дарвеш айтди. Амир Халил Майдоний ҳузурларида эдик, шу пайт Ҳазрати шайх ташриф буюрдилар ва у киши билан учрашдилар.

Тақсир, деб Ҳазрат Амир билан учрашдилар. Тақсир, деб Амир Халил қарши олдилар. Амир айтдилар салом суннатдур нега тақсир дедингиз? Ҳазрат яна, тақсир, дедилар. Амирнинг вақтлари ҳуш бўлиб айтдиларки, Аллоҳга қасамки дарвешлик тўнини сизнинг қаддингизга ўлчаб тикибдилар. Бошқа киши бўлганида мунозара қилишга ҳаракат қилур эди.

Назм:

Кишининг саломи ҳаммомда нодонликдур,
Шунингдек бозорда ва сен машғуллингингда.
Дарс вақтида қози масаласида ҳам,
Ҳамда зикр чоғида у дарс янглиғдур.

“Мавлоно Абдулло айтар эдилар: Дарвеш шайх Самарқандда шайх Худойдод хонақоҳларида эътикоф ўтирган эдилар. Ҳазрат Қанбар шайх ўша эътикофда у кишига шерик бўлибдилар. Бир куни Самарқанд уламолари ушбу эътикофга суҳбат учун келибдилар. Суҳбатда бир-бирлари билан баҳс мунозара қилишибди. Бу мунозара Ҳазрат шайхга ёқмабди.

Байт:

Сўзни кўп билгин-у кам де,
Бирни юз дема-ю юзни бир де.

Ҳазрат шайх айтибдилар: эй уламолар биз ҳам сўз биламиз. Бундан бир неча йил муқаддам бир ишончли одам бир аниқ сўзни айтар эди. Мен эшитган захотим менга ўша илм кашф бўлди, деб, ўша илм нозик нуқталарини баланд овозда айтиб берибдилар. Кейин айтибдилар, тафосир ва аҳодисни шайх Худойдод Азизондан эшитганман. Ҳаммаси ёдимда эди, лекин жим туриб суҳбатларини тамомила эшитдим. Эътикофга келмасимдан олдин кўзимни юмсам шайх Худойдод Ҳазратларини ҳозир кўрар эдим. Айтадиларки кўзимни очсам бу азизни кўрдим.

Байт:

... Ўзгалар май хумидин мастлар ва мен,
Лайлидин мастман хуму найдин халос.

Уламолар ҳаммаси тақсир деб узрхоҳлик қилишди”.

“Ҳазрат устозим Мавлоно Исматулло айтади. Бир куни муфассирлар султони муҳаддислар бурҳони Мавлоно мустафо Румий ҳузурларига етдик. У киши айтдилар, бу кеча Самарқанд подшоҳи Абдулатифхон ҳузурларида эдик. Хон бизга айтдики Ҳазрат Мавлоно Вали ва Ҳазрат Дарвеш шайх Азизон икковлари шайх Худойдод Азизоннинг муридларидурлар. Нега Мавлоно Вали ўзбекларни қабул қилмайдурлар ва уларнинг назрларини қабул қилмайдилар? Дарвеш шайх Азизон ўзбекларни мурид қилиб ниёзларини қабул қиладилар-ку?

Мен айтдимки, уларнинг ўзлари бунинг сабабини биладилар. Биз билмаймиз. Кейин хон сўрадилар шаҳарда бу икки Азиздан бирорталари бормиканлар? Бир киши айтдилар, Мавлоно Вали Азизон келганлар. Хон бир кишига айтди шу гапни уларга айтгин. Мен айтдим, улардан бу гапни сўрашлик беадаблиқдур. Қосим шайх исмли муридлари бор у киши жавоб берадилар. Ўша киши Қосим шайх Азизоннинг ҳузурларига келиб ушбу сўзни арз қилди. Қосим шайх жавоб бериб бўлиб кейин айтдилар, бу сўзларни сенинг хонинг тушунмайди. Жавоб айтайлик хон

тушунсин. Айтдилар, сенинг хонинг бир киши-ни оталиққа тайинлайди, бошқасини маҳрум қилади. Оталиқ ҳаммани бирдай сўрайди. Маҳруми хос эса, хос кишиларни сурайди. Ҳазрат Азизон шайх Худойдод Дарвеш шайхни оталиққа сайлаганлар, у киши ўзбеку бошқаларни мурид қилаверадилар.

Мавлоно Вали Азизонни эса маҳрамликка тайинланганлар. Бу киши фақат хосларни мурид килганлар. Кейин мавлоно Мухаммад Хусан Нўғайики Дарвеш шайхнинг муридларидан эдилар. Бу киши айтдилар Ҳазрат Қосим шайх айтибдилар, бизнинг бошқа жавобимиз шу эдики, Самарқанддан Алиободгача бир йўл бор, лой йул, ҳар ким лойда қолган бўлса хоҳ от, хоҳ арава бўлсин Дарвеш шайх уни лойдан чиқарадилар. Ҳазрат Мавлоно Азизон лой эмас йўлдан юрардилар”.

Бу мухлис эшитганки Ҳазрат шайх (Дарвеш шайх) илоҳий ҳукмга, ҳадис мазмунига амал килиб, Тошкентнинг жоме масжидини қурадилар. Масжид ерини қазишда тупроқ ва чанг ичида ўтирар эдилар шу пайт Ҳазрат Охунд Калон Мавлоно Дарвеш Мухаммад Тошкандий ёнларига келиб қолиб хотирларидан ўтибди. Нега Ҳазрати шайх четда турмай чанг ичида ўтирибдилар?! Шунда хотирларидан хабар топган шайх айтибдилар, - Охунд сиз қабрда чанг ичида ётмайсизми? Кейин Ҳазрат Тошкентнинг дарвоза деган жойида дарахт йиқитиш билан машғул эдилар, маз-

кур Охунд, хизматларига келадилар ва чеккада ўтирадилар. Сўфилар йиқитадиган дарахт бошқа томонга эгилиб туради. Ҳазрати шайх айтадилар-Охунд ўрнингиздан турунг дарахт устингизга тушмасин. Охунд айтибдилар дарахт бошқа томонга эгилиб турибдику?! Ҳазрати шайх бу гапни айтиб нари кетибдилар.

Ўша дарахт Охунднинг бошлари томон кулай бошлагач ўринларидан туриб қочибдилар. Кейин ушбу дарахт Охунднинг этакларидан илиб қолиб йиқитибди. Ушбу кароматни кўргач оёқларига бош уриб мурид бўлибдилар.

Ҳазрати Азизон Пирим шайх тафриду тажрида ягона эдилар. У киши Ҳазрат Азизон Қосим шайхнинг назарларига тушган эдилар.

Ҳазрат айтдилар:

– Дарвеш шайх бизникига келдилар мени кўрдилар. Пирим Ошиқ, дедилар шу куни ханжит куни бўлиб Ғазирада икки минг мухлис Ҳазрат ғавсул урафо шайх Худойдод назарларига интизор эдилар. Кейин доим у кишини Пирим Ошиқ, дер эдилар.

Воқеа шундай бўлган эди, ўша куни оталари Ҳазрати Азизон хизматларига борган эдилар. Ҳазрати Азизон шу катта жамоа ичида сўрадилар:

– Пиримни олиб келмадингми?

Оталари:

– От йўқ эди, – деди.

– Нега пиёда олиб келмадинг?

– Этиги йўқ эди.

– Нега яланг оёқ олиб келмадинг? Зоҳир бўлдики, сенинг унга эътиборинг йўқ.

Бир вақт келадик, Пирим Ошиқ бўлади. Шу иноят боис лақаблари ошиқ бўлиб қолган экан. Ҳазратнинг нафаслари баракотидан у кишида завқу-шавқ асари намоён бўлиб турар эди. Бу кишининг Худойдод ҳазратларига ошиқликлари шу даражада эдики номлари зикр этилса бас ишқ асари беҳудлиги пайдо бўлиб йиғлар эдилар.

“Самария” китобидан:

“Олим шайх Азизоннинг пири Пирим шайх Азизондир. У киши карминалик Ҳазрат Қосим шайх Азизоннинг муриди. Қосим шайх Азизон бўлса Ҳазрат шайх Худойдод Азизоннинг муриди бўлган мавлоно Али Азизоннинг халифасидир. Буларнинг силсилалари тариқат султони ҳазрат Хожа Аҳмад Ясавийга уланади. Ҳазрат Олим шайх Азизон Имомқули Баҳодурхон даврида Самарқандда ағлам эди ва у замонаси имомларининг имоми эди. У мирзо Улуғбек мадрасасининг жануби-ғарбий тарафида олий хонақоҳ бино қилган. Ҳозирда у хонақоҳ қолмагандир. Ёшлари саксонга бориб қолган эди. У жаҳрия-султония силсиласи баён қилинган “Ламаҳот” китобининг мусаннифи эди ва яна шиъа мазҳабининг раддига “Дар радди мазҳаби шиъа” номли рисола тартиб бериб, у рисолада чорёрлар улуғлигини кучли далиллари билан исбот қилган. Унинг вафоти ҳижрий 1041 (1630) йилида содир бўлиб, “фахр ул-

ислом” сўзи вафотининг таърихидир. У кишининг асрида Алиобод мавзеъи обод шаҳарча эди ва ҳазрат эшон у ерга жомеъ масжиди, хонақоҳ ва Мадраса бино қилган эдилар. У биноларнинг асари ҳозирда ҳам бор.

Ҳазрат Мўъмин Шайх Азизон мозори. Дарвеш Шайх Азизоннинг ўғли бўлган Мўмин Шайх Азизоннинг мозори ҳам Алиободда, катта ариғнинг жануб томонидадир».

“Музаккир ул-аҳбоб”дан:

“Муъиниддин Жавонмардали Султон бин Абу-саидхоннинг муқаддас ёди. Жавонмардликда донг таратган, ғайрат-шижоатда барчани ўзига қаратган султондир. Фозилларга рағбату тарбиятлар кўргазувчи, улуғ шайхлар ва ҳурматли мавлоноларга кўп ихлосли ва етук ихтисосли зотдир. Олий мақом оталарининг Ҳазрат шайх Худойдодга муҳаббат ва дўстлик эҳтироми бўлгани сабабли, унинг ҳам яхши андишали шайх Дарвеш шайх томон ниёзу эҳтиёж йўли бор. Ва лутф эшикларини аларнинг вафоли дўстларига ланг очгандир...”⁷⁰

Кўз тегмасин, бу гўзал, Ўзбекистонга!
 Азиз инсонларнинг қадами теккан,
 Улуғ аждодларни тарбия этган.
 Бу кўҳна заминнинг фарзандларимиз,
 Кўз тегмасин, бу гўзал, Ўзбекистонга!

⁷⁰Хасан Хожа Нисорий. Музаккир ул-аҳбоб. Форсчадан таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. Тошкент. 1993 йил. 50 бет.

Ҳамадоний шогирдлари макон айлаган,
Ватан туфроғини кўзларга суртган.
Шу муқаддас диёр, ўғлонларимиз,
Хизмат қилайлик дўстлар, Ўзбекистонга!

Аждодлар номини сарафроз этинг,
Азизонлар ҳурматин жобажо этинг.
Фирорийни эслаб, бир дуо айлаб,
Билинг – илм сарчашмалари Ўзбекистонга!

СЎНГ СЎЗ ЎРИНДА

*Субҳидам ҳар кимки Ҳаққа айлар роз,
Ҳақ Субҳон қутлуғ йўл айлар сарафроз.*

Шайх Худойдоди Вали

Мазкур кичик рисолада “Ясавия тариқати”нинг намояндаси Ҳазрат Дарвеш шайх Азизоннинг фаолиятлари, авлодлари, устоз ва шогирдлари ҳаётларидан мухтасаргина маълумотларни бердик, холос.

Ҳазрати Шайхнинг Самарқанд шаҳридаги ҳаётларига боғлиқ кўпгина воқеалар ушбу қисқа рисоладан ташқарида қолди. Масалан, ул зот ташкил этган ҳонақоҳлар ва масжидлар қурилиши ҳамда мадрасаси фаолиятини айтиб ўтиш мумкин. Шунга ўхшаш яна юртимиздаги бошқа мавзеъ ва обидалар ҳам Дарвеш шайх Азизон Алиободий ҳаётлари ва номлари билан у ёки бу тарзда боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Дарвеш шайх Азизон Алиободий тўғрисидаги мазкур рисола Дарвишиқ Маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг мурожаати сабаб ва камина анча йиллардан бери “Ясавий” силсиласи тўғрисида у-бу манбаларни кўриб, кўнгилга тугиб қўйилган истак баҳона ёзилди.

Мазкур рисола яратилишида ушбу маҳалла фаоли Ҳиммат Тўйжон ўғли Суюнов, ўқитувчи Донобой Раҳимов ва Ботиржон Деҳқоновлар хизмати катта бўлди.

Агарда рисолани ўқигувчи хатолик кўрган бўлсалар, ақл қаламлари ила тўғирласалар миннатдорлик ила қабул қилиб, шу аснода, рисолани ўқувчи ва тузувчиларига мазкур зиёратгоҳларда қўним топган азиз Аждодларимизнинг муқаддас рухлари мададкор бўлиб, барчамизни тарбият этсинлар.

Олам бўлди мунаввар меърожидин
Зухур этди Калим Ҳабибуллоҳдин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Тоҳир Хожа. Самария. Б.Аҳмедов ва бошқалар таҳрири остида. Т.: “Камалак” нашриёти. 1991 йил.

2. Абдулқодир ибн Муҳаммад Амин. Маджмаъ-л-ансоб ва-л-ашджар / История Казахстана в персидских источниках, II т./ Введ, перс. с арабского, персидского и тюркского языков, комментарии, пдготовка факсимиле к изданию Ш.Х.Вохидова, А.К.Муминова, Б.Б.Аминова. Алматы. “Дайк Пресс” нашриёти. 2005 г.

3. Абдулхай ибн Абдулфатҳ ал-Хусайний. Хожа Аҳрори Вали Насабномаси. Форс тилидан таржимон. А.Усмонов. Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти. 2004 йил.

4. Абдурауф Фитрат. Ясавия мактаби шоирлари тўғрисида текширувлар // Танланган асарлар. II- жилд Т.:Маънавият. 2000 йил.

5. Вяткин В.. Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск VII. Самаркандъ. 1902 год. 12 стр.

6. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард / араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори Ш.С.Камолиддинов. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2011 йил.

7. Мавлоно Неъматуллоҳ Ошиқ. Девони Ошиқ. Домулло Муҳаммад Амин Манғитли хижрий

1325/1905 йилда кўчирилган. ТошДШИ ШҚМ қ.ф инв № 1116/V

8. Мавлоно Неъматуллоҳ Ошиқ. Девони Ошиқ. Мир Сайид Музаффар ибн Мир Ҳабибуллоҳ томонидан хижрий 1260/1842 йилда кўчирилган. ТошДШИ ШҚМ қ.ф инв №1015

9. Мақсуди Бухорий. Равойиҳ ул-қудс. Қўлёзма. Форсча-арабча. К.Каттаев шахсий кутубхонасида.

10. Мир Ҳусайн Соктарий. Маноқиби Ҳазрат Муҳаммад Поянда Соктарий. ТошДШИ ШҚМ инв №2501-8

11. Муҳаммад Олим шайх Азизон. Ламаҳот. Таржима, сўзбоши, илмий-тадқиқот ва изоҳлар муаллифлари К.Каттаев ва А.Нарзуллаев. Самарқанд. 2012 йил.

12. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусахир ал-билод / форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсатгичлар муаллифлари: И.Бекжонов, Д.Сангирова. Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти. 2009 йил.

13. Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоъирин. Тошбосма. Форсча. Бухоро. Ҳижрий 1324/1904 йил.

14. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (обиҳаёт томчилари). Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Тошкент. 2004 йил.

15. Хожа Абдурахмон Ҳисорий. Тухфат ул-ансоб. ТошДШИ ШҚМ қ.ф инв № 1459

16. Ҳасан Хожа Нисорий. Музаккир ул-аҳбоб.

Форсчадан таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи И.Бекжон. Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти. 1993 йил.

17. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Форс тилидан таржимонлар: С.Мирзаев ва Ю.Ҳакимжонов. Изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Т.: Шарқ. 2000 й.

18. XIX асрга тегишли қўлёма асар (Тарихи мазорот). Форсча, настаълиқ. К.Каттаев шахсий кутубхонасида.

Ҳужжатлар

19. ЎзМДА фонди И-18, 1-рўйхат, 4-китоб, иш-10356

20. ЎзМДА фонди И-18, 1-рўйхат, 4-китоб, иш-10358

21. ЎзМДА фонди И-18, 1-рўйхат, 4-китоб, иш-9829

22. ЎзМДА фонди И-18, 1-рўйхат, 4-китоб, иш-9852

23. Иршоднома. Қўлёзма. Хижрий 1285/1868 йил. www.shajara.info

Адабиётлар

24. Жуманазар А.. Бухоро. Т.: “Akademnashr” нашриёти. 2017 йил

25. Жуманазар А.. Машраб. Т.: “Akademnashr” нашриёти. 2015 йил

26. Муминов А.К.. Родословное древо Мухтара

Ауэзова. Алматы.: Жибек жолы. 2011 год.

27. Муминов А.К.. Шиитские культурные влияния на Центральную Азию (на примере деятельности Алидов) // *Ars Islamica*: в честь Станислава Михайловича Прозрова / сост. и отв. Ред. М.Б.Пиотровский, А.К.Аликберов; Ин-т востоковедения РАН. Москва.: “Наука – Вост. лит”.

28. Аминов Б. Олим шайх Азизоннинг насабномаси (қабртошдаги битиклар асосида) // *Имом ал-Бухорий сабоқлари*. 2011 йил 3-4 сонлари.

29. Аминов Б.. Самаркандские шайхи йасавийа // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летнему юбилею города Самарканда. Ташкент, Самарканд: Издательство “Фан” АН РУз, 2007.

30. Вирский И.. Сведения о Зеравшанском округе // *Ежегодник*. Материалы для статистики Туркестанского края. Под.ред.Н.А.Маева. Петербург. 1872 г.

31. Каттаев К.. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд. “СамДУ” нашриёти. 2015 йил.

32. Мирзо Меърожиддин. Яконшайх зиёратгоҳи ёхуд шайх Камолиддин Оқоний–Алиободий // *Жомбой тонги газетаси*. 2017 йил 25 июл сони

33. Абдулахатов Н.ва Толибжон Ғозиев. Шоҳимардон. Т.: “Янги аср авлоди” нашри ёти. 2010 йил.

34. Ҳасанов Н., Султонов Ў. Муҳаммад Олим Сиддиқий. ва унинг “Ламъаҳот мин нафоҳоти-ул-

қудс” асари ҳақида. Қаранг: // Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали // 2006 йил, 3-сон.

35. Ҳасанов Н.. Самарқандлик икки Яссавия шайхи // Роль города Самарканда ва истории мирового культурного развития. Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летнему юбилею города Самарканда. Ташкент, Самарканд: Издательство “Фан” АН РУз, 2007.

36. Н.Бегалиев. Сўғд: мозий лавҳалари (ўлкашунослик материаллари). Самарқанд. СамД-ЧТИ босмахонаси. 2007 йил.

37. “Олим шайх, Мўмин шайх, Тоҳир шайх, Дарвеш шайх мазори”. Дала тадқиқот манбалари. 2017 йил 5 август. Респондентлар Химмат бобо (68 ёшда), Холбўта ота ибн Турсун бобо ибн Муҳаммади (71 ёшда), Шухрат Эрназаров (37 ёшда), Эшмуҳаммад ва Ботиржон Дехқонов (21 ёшда)

38. Абдимўминов О.. Бешигида авлиёлар ўсган ватан. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2007 йил.

39. Собрание Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том-III. Тошкент. 1955 год.

40. Мустафо С.. Кармана азизлари. Т.: “Мухаррир” нашриёти. 2010 йил.

41. Мустафоев С. Жўш – ўн асрлик маскан. “Зарафшон” газетаси. 2014 йил 19 август сони

42. Иноятов С., Қандаҳоров А.. Шайх Худойдод Вали-Кармана фарзанди. Тошкент. 2008 йил.

43. Иноятов С., Тўраев Х.. Қосим Шайх Азизон. Тошкент. 2001 йил.

44. Бобохонов Ш., Мансур А.. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти. 1993 йил.

45. Камолиддинов Ш.С.. Араб исмларидан ясалган қадимги жой номлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Т., 2006 йил. № 1.

46. Даминов Э.. Шаҳобуддин Умар Сухравардий (Мири Жанда ота). Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2010 йил.

47. Ҳамидхон Ислохий. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2005 йил.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Дарвишиқ ёхуд Дарвеш шайх Азизон	5
Дарвеш шайх Азизон насабномаси	14
Дарвеш шайх Азизон ҳасабномаси	19
Дарвеш шайх Азизон авлодлари	22
Яканчик зиёратгоҳи	33
Манбалар сўзлаганда.....	36
Сўнг сўз ўринда	46
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати..	48

ҚАЙДЛАР УЧУН

Дарвеш шайх Азизон зиёратгоҳи



Муҳаррир:
Алишер Назар
Техник муҳаррир:
Файзулла Азизов
Мусахҳиҳ:
Нодира Эгамқулова
Дизайнер:
Дилмурод Жалилов

“HILOL MEDIA” NASHRIYOTI
Лицензия АІ №312 24.11.2017 йил.

Теришга 2018 йил 15 январда берилди.
Босишга 2018 йил 08 февралда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/16. «Virtec Times» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
5.75 шарт. б.т. 6.2. ҳисоб нашр. таб.

Адади 500 нусха. 04-сон буюртма.
“Hilol Media” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.